

# ТОШКЕНТ

## Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

# ТОШКЕНТ

№ 88 (8. 286) 1993 йил 18 май, сешанба Нархи 5 сўм



### Бугунги кун нафаси

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА**

- Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг бўлиб ўтган йилги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Қарорининг ҳаёқ депутатлари Жўзах ва Сўрхондарё вилоят кенгашларининг назабатдан ташқари сессияларда сузлаган нўтиқидан келиб чиқадиган вазибалар муқоама қилинди.
- Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида» Қонуни амалга киритилди.
- Бугун кечаси Тошкент аэропортидан Таяланд пойтахти Бангкокка «Ўзбекистон ҳаво йўллари» илмий авиомпаниясининг самолёти кўтарилди. Шунинг билан Тошкент, Таяланд Ўзбекистондан тўғридан-тўғри ҳаво йўли ўрнатилган дунёнинг ўн иккинчи мамлакатидир. Бу йўл бизни Жанубий, Шарқдаги Иқтисодий жиқатдан бақувват бўлган Таяланд, Жаңубий Корея, Япония каби мамлакатлар билан боғлайди, келажакда ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очилади.
- Тошкентда ўтказилган семинарда тадбиркорлик масалалари қараб чиқилди. Унда АҚШдан 42 мутахассис иштирок этди.
- Кибрай туманида хизмат вазибаларини бақараётган она ер бақариға бош қўйган кизматни хошим Сандқбар Назимов хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.
- Аброр Хўджатов номидаги драма театрида француз азувчиси ва драматурги Фотима Галлер пьесаси асосида қўйилган «Малика» томошасининг кўрғини бўлиб ўтди. Унда қатнашган Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ўзбек артистларининг маҳоратига юксак баҳо бердилар.

### ҲАМДУСТЛИҚДА

- Украина ва Беларусь Фанлари академияларининг президенти Б. Фатон ва Л. Сушеня исқала академиянинг ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани имзолашди.
- Қозонда ўз ишнин бошлаган Таяланд Олий Кенгашининг сессиясида фуқаролик тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб кўзда тутилмоқда.
- Россия билан Австралия ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво йўли очилди.
- Москвадан Парижга Чукоткадаги Нутепельмень манзилни яқинида фалокатга учраган вертолётдаги французларнинг жасадлари келтирилди. Ҳолоқат оқибатида етти киши, шу жумладан икки француз ва бир швейцариялик ҳалок бўлди.
- Саратов вилояти ҳисоблаш бошқармаси шу йилнинг январь — февралда маҳаллий аҳолининг ўлими ўтган йилнинг шу даври билан қўлсалаганда 11 фозга ошганлигини маълум қилди. Шу давр ичиде туғилиш ҳам 12 фоздан зиёдга кўнмаган.
- Шу йилнинг иккинчи ярмида «Комсомольская правда» газетасини олиш учун Анадор аҳолиси 7.974 сўм тўлаши керак.

### ХОРИЖДА

- Шу пайтагача Туркия Бош вазири лавозимида ишлаб келган машҳур давлат арбоби, Тўғри Йўл партиясининг Бош раиси Сулаймон Демирал яқшаба кўни Туркия Республикасининг тўқтинчи Президенти этиб сайланди. Социал-демократик ҳалқ партиясининг рақбири Эрдан Инено Бош вазири лавозимини юро эта бошлади.
- Америка Қўшма Штатлари ана шу ҳафта охирида Корея Ҳалқ Демократик Республикаси билан олий даражада муозакарлар олиб бориш ниятиде. Муозакарларда Корея ярим оролида ядро қуролини тарқатмаслик муаммоларини ҳал қилиш йўллари муҳоама этилади.
- Братиславада словакларнинг жаҳон конгресси бўлиб ўтмоқда.
- Камбоджа пойтахтига бронетранспортлар чиқарилди, ҳукумат қўшилларининг аскарлари Пномпень оstonларида мулоффаа чизигини эгаллаб турибдилар. Бу ва бошқа ҳавфсизлик қоралари, деди радио орқали Бош вазири Хун Сен, «кичал кимларнинг» 23 майдан 28 майга қадар бўлиб ўтадиган умумий сайловлар пайтида Пномпенга тайёрлаётган ҳужумлари боисидан қўрилмоқда.
- Россия Ташқи ишлар вазири Андрей Козирев кечадан бошлаб хорижа олти кунлик амалий ташрифини бошлади.
- Афронистон ва унинг пойтахтида танклар, оғир артиллерия ва авиацияни қўллаган ҳолдаги қуролини тўқнашувлар давом этмоқда.

## Истеъмол буюмларига—кент йўл ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ТОШКЕНТ трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг довриги кенг ёнлаган. Корхона жамоаси томонидан тайёрланган тракторларни бугун нафақат Ўзбекистонда, балки қардош республика далаларида ҳам учратиш мумкин. Лекин бозор иқтисодийти қийинчиликлари туфайли донг таратган шундай корхона ҳам шу кунларда анча мушкул вазиятини бошидан кечирмоқда. Бунинг асосий сабабини маҳсулот етишмовчилигидан тортиб, то корхонада тайёрланаётган машиналар арзанмас деталлари йўқлиги туфайли оилаб буюртмачиларга жўнатилмай туриб қолаётганлигидан қидирмоқ керак.

Бундай муросасизликка тоқат қилиб ўтириш — бу корхонани таназзулга олиб келиш билан баробар. Шундай экан, режани бақариш, бирлашма иқтисодийтини қандай бўлмасин кўтариш йўлида изланишлар олиб ооришмоқда. Корхона жамоаси кўпроқ харидорбоп истеъмол буюмлар ишлаб чиқариш йўли билан йўқотиладиган харажатларни қоплашга ҳаракат қилмоқда. Натияжада бу ерда йил соани истеъмол буюмлари соани ортиб, унинг янги-янги турлари пайдо бўлмоқда. Натияжа эса чакни бўлмапти.

Бугунги кунга келиб, корхонанинг ҳалқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 21-ҳеқида ва бошқа бўлималарининг шу турдаги маҳсулотта мослаштирилган ўчалталарида ўндан аёқда истеъмол буюмларининг тайёрлаш йўлга қўйилди. Бирлашмада боғовлар ишлаб чиқаришдан тортиб бошқарув учун мўнақалланган тебранувчан оромкурсиягача тайёрланмоқда.

Шу ўринда гап истеъмол буюмларининг янги турларини ишлаб топиш хусусида бораётган экан, бир янгилик билан оқшомқонларни таништириб ўтмоқчимиз. Бирлашма ҳалқ истеъмол буюмлари конструкторлик гуруҳи жумҳуриятимиз пиллакорлари ойирини енгил қилиш мақсадида ипак кўртларни тут бағи билан озиқлаштиришнинг комплекс усули ва махсус сўри тайёрлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Ҳозир бу йўлда дастлаби қадамлар қўйилди. Агар маэкур ишлашга иқобий ҳал этилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилса, пиллакорларнинг мазаққатли меҳнатларини анча енгиллаштириши табиий.

Корхона конструкторлари ҳозирги кунда енгил машиналарга ақтиёт қисмлар таъинишнинг хисобга олиб, шаклий машина эгалларининг ойирини енгил қилиш ниятида ҳам ўз иланишларининг давом эттирмоқдалар. Корхона худудида «Жўгули» автоматизацияларининг баъзи



Гулчехра Бозорованинг «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасига ишлаб келганига уч йил бўлди. Шунга қарамадан у микрожадалларини йилгида ўз ҳаммасларига етиб олди. Айни пайтада у бирлашмага қарашли «Нодира» илмий ишлаб чиқариш марказида телевизорларни йилгида қатнашмоқда.

СУРАТДА: Гулчехра Бозорова янги телевизорларни йилги пайтада тасвирланган.

Лев Глауберзон сурати.

## Президент Буюк Британия элчисини қабул қилди

17 май кўни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Қарорини Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги фақулотида ва мухтор элчиси Брайн Фоллин қабул қилди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги давлатлараро муносабатларини ривожлантиришнинг ҳўқуқий асосларини яратиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш хусусида гап борди.

(ЗаА).

## Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилсин.
2. «Соғлом авлод учун» ордени тўғрисидаги низоом тасдиқлансин.
3. Биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» орденининг тасвири тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. ҚАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1993 йил 7 май.

## ЯНГИ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА

ДАВР руҳи ўқувчи ёшлар маънавий камолоти учун ҳам ўз иқобий таъсирини ўтказмоқда. Бу эса мактаб таълимида замон талабига мос янги муносабатларни қарор топтириш учун йўл очиб бермоқда. Айниқса, иқтидорли ўқувчилар билан иш олиб боришга ўзига хос ёндашув усуллари кенг қулоч аса бошлади.

Таълим жараёнига бундай муносабатни хориний тилларни пухта ва чуқур ўрганиш мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Тошкентдаги 140-ўрта мактаб ҳаётида юз бераётган бу соҳадagi янгиликлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Инглиз тилини атрофлича ўрганаётган тоғиб илмларга қулайлик яратиш

\* Қурилиш майдонларида

# БУ КУН ЖУДА ЯҚИН

\* Суратли лавҳа

## Саҳнада—«Ўзбекистон қўлагай»

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Машраб номидаги маданият уйида фаолият кўрсатаётган «Ёшлик» ашула ва рақс дастаси «Ўзбекистон қўлагай» деб номланган янги концерт томошасини намойиш эта бошлади. Мустақиллик, Ватанга муҳаббат тўғриси, истиқлол нашидаси маэву қилиб олинган «Маэкур дастурининг спенарий муаллифи ва сахналаштирувчи режиссёр Абдурауф Зокиров.

Янқодий жамоа ўзбек диярининг бетакрор гўзаллиги, қалби дарё ишларини тараннум этишни мақсад қилиб қўйган. Дастурдаги шўх, ўнқоқи қуй ва қўшчилар,

ЧИЛОНЗОР туманидаги Ал-Хоразий даҳас тобора кенгайиб бормоқда. Бу ерда қўллаб турар жой бинолари, маданият-маиший иншоотлар қурилиб фойдаланишга топирилади.

Бунёдкорлик ишлари қулоч ёнган ушбу даҳада бир йўла олтига 12 қаватлик бино қад кўтармоқда. Ҳозир улардан иккитаси деврли ойналаб қўйилди. Бинони тиклашда «Сифат» тажриба-лойиҳа қурилиш бошқармасига қарашли механизациялашган қурилиш бошқармасининг Қўрғи Шерметов бошчилиги қилаётган бригада аъзолари тер тўкишди.

Владимир Лезин бошлиқ пайвандчилар ҳақида ҳам ҳар қанча гапирса арзийди.

— Юқори қаватларга кўтарилагани сари ишнинг мураккаблашади. — дейди пайвандчилар. — Чўнги баландда ишлаш анча мушкул. У биздан ҳўшёрлигини талаб этади.

Чиндан ҳам, пастдан қараган кишига ибё ҳамма нарса оддий ва осондех туюлади. Лекин ҳар бир бетон деворни ўрнатиш, уни йонига мустақамлаш касб ағасидан анча меҳнат талаб этади.


Вино ичиде пардозловчилар иш олиб боришнинг Пардозлаш трестининг 45-қурилиш бошқармасига қарашли бўёқчи ва дурадгорлар хоналарни алоҳида ихлос билан сайқалдан чиқаришмоқда.

— Витта бинога нечта оила жойлашади? — сўраймиқ улардан.

— 58 оила. — жаов беришди пардозловчилар.

Кенг ва ёруғ хоналарда ҳамма нарса муҳайб. Газа ва ваннахоналар ҳам кенг ва фойдаланиш учун қулай. Албатта, бундай имкониятнинг яратилишида «Таштнпогор» лойиҳалаш институтини хизматчиларининг ҳам меҳнатини алоҳида таъинлаш керак. Чўнги бу бинолар лойиҳасини улар чўнб беришган.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.



## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ЮНУСОВОД тумани хотин-қизлар кенгаши ва Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг қўшма йилги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иштирок этган хотин-қизлар ва партия ташкилотларининг фаоллари шаҳар хотин-қизлар комитети томонидан ишлаб чиқилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича дастур режасини туманда оғимай амалга ошириш лозимлиги ва бу борада нима ишлар қилиниши кераклиги ҳақида гапириб ўтишди. Унда шунингден, Президентимизнинг республикамизга аёлларига, оналар ва болаларга қўрсатилган тамақўрғинлари, аҳолини иқтисодий ҳимоя-

## Ижтимоий ҳимоя—амалда АРЗОН НАРХДА

УрТА Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг январь, қўшма ва юқини корхоналари рақбарлари ишчи ва хизматчиларининг иқтисодий ҳимоялашнинг имкониятларини тоғиб ишлаб чиқаришди. Бирлашманинг «Среднаэмос» қўшма корхонаси рақбарияти худудида фаолият кўрсатаётган ошқонани ўз қарамоғларига олишга қарор қилишди. Бу ташаббусни бирлашма ишқарачилар Кенгаши ва касабга уюшмаси номинетти қўллаб-қувватладди.

— Ошқонани ўз тасарру-

Ошқатларнинг тури қўпайса, маэали бўлса ишчи-хизматчиларнинг кайфияти кўтарилиб, иш унуми ошади.

Шунинг алоҳида таъинлаш жоэки, қўшма корхона рақбарияти ошқатларнинг нархини арзонлаштириш тадбирларини ҳам белгилашди. Ошқона учун масалликларнинг бир зисми корхона ёрдамчи ҳўжаланидаги ушқатда етиштириладиган сабаблар ҳақида боқуладиган қорамоллар хисобига қопланади.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

бошлаб юборилади. Бу умумий қўрғинини ва Ал-Хоразий даҳасида қуриладиган олтига бино тасвирланади.

СУРАТЛАРДА: Шароф Рашидов қўшмадаги ўқув-лаборатория бошқармасининг бошқарувчи рақбарлари.

Холмақ Мирзақаримов суратлари.

\* Муштарий хабар беради...

ҚАЛБЛАРГА ТАСКИН

ЕЗ фаслининг иккинчи ойида шаҳримизда Марказий Осиё давлатлари ногиронлари муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўтказиш режалаштирилмоқда.

Заҳирдаги эскирлар ва байналмилалчи-янгиқлар уюшмаси кошмадаги «Умид» ижтимоий-муҳофизат бирлашмаси ташаббус билан ўтказилмакчи анжуманининг ўз олдига қўйган асосий мақсади — ифрат маҳаллий, балки хорижий жамоатчилик эътиборини ҳам Марказий Осиё минтақасида яшовчи ўсим қалблар муаммоларига қаратишдир.

Буюк Британия, «Мобилити интернейшнл» жамиятидан мутахассислар келиши кутулаётган анжуманга ҳимматлиги «Умид» ташкилот, «Ипак йўли» банк «ВДРУ» миллий банк ўз эътиборига олишга қарор қилди.

Шукр ЗОИДОВ.

\* ...мақтаиди

АҲОЛИ ХУРСАНД

ИНСОН меҳнати билан улуг, дейди доно халқимиз. Киши қандай касб эгаси бўлмасин, ўз касбини севиб меҳр қўйса ва унинг қадрига эга бўлса, у албатта халқ назарига тушади. Ана шундай ишчилардан бири автобус ҳайдовчиси Эркин ака Норинбоевдир.

У мана 32 йилдан бери ҳайдовчилиги касбини шарафлаб келади. 3-автомобилка қарашли 27-маршрутги автобусни бошқариб келади. Ҳайдовчилик касбига доғ тушрмай, бироқ марта авариясиз ишлаш ҳар қандай ҳайдовчининг қўлидан келмайдди. Бунинг учун киши ижод даражада ўз касбини устаси бўлиши керак. Эркин ака ана шундай фазилатга эга, калтарин ва ширинсиз инсон. У бошқа ҳайдовчилардан ўзининг қалол меҳнати билан ажралиб туради.

Ирода АБДУНАБИЕВА, шифокор.

\* ...миннатдорчилик билдиради

ИЛТИМОСИМИЗ ҚОНДИРИЛДИ

БУНДАН бир неча ойлар муқаддам биз Тошкент шаҳар Хокими Аҳмадбек Фозилбеков номинга мактуб йўллаб Тошкент шаҳридаги «Генерал Петров» кўчасига паркемликларнинг ҳоқини ва ишчиларини ифода этиб, ўзининг олдинги эски «Паркект кўчаси» номини беришни илтимос қилган эдик.

Бугунги кунда бу илтимос Тошкент шаҳар Хокими маҳкамаси ҳузуридаги атамалар комиссияси томонидан қўриб чиқилиб, иккунчи қат қилинди.

Бу муноқиша шарафати ила Паркект халқига, унинг ўқимига ва аёлларга ружга билдирилган юсак ҳурмат ва эҳтиромдир.

Паркемликларнинг қувонини ифода этиш билан уларнинг Тошкент шаҳар Хокими маҳкамасига, шаҳар атамалар комиссиясига катта миннатдорчилигини «Оқшо» газетаси саҳифаси орқали етказишимизни илтимос қиламиз.

С. ТУЯЧИЕВ, Паркект шаҳар ҳокими.

\* ...илҳомланади

БАЛАНД ТОҒЛАР МАКОНДИР

Баланд тоғлар, кенг саҳралар бизга макондир. Яхши қўшиқ бу манзилда тан ичра жондир. Усиб ундик, қамоқ топдик биз элликларда, Энди унга тортигимиз хазина-кондор. Ҳеч тинмайлик, толқимайлик биз элликларда, Чунки бизга қувват берган азия Турондир. Бизнинг қадам этган ерлар бўлади обод, Кеча саҳро, бугун — Газли ва Зарафшондир. Гуллаганимиз, яшнатамиз жон юртимизни, Бунинг кўрган рақибларнинг юраги қондир. Ҳазратимиз — азия ўлкам юртлар сараси, Шундай юртра хизмат қилмоқ шарафу шодир. Авайлаймиз, ардоқлаймиз ҳар бир тошини, Ота ер бу, она ер бу меҳри маҳондир. Келинг, дўстлар — геологлар қўшиқ айтайлик, Сөгич тўла қўнғиллар шунда шодмондир.

Турғун ҲОЖИЕВ, геология-минералогия фанлари номзоди.

\* ...таажжубланади

БУ ҚАНАҚАСИ АХИР?

АЙРИЕВ кўчаси бир неча маҳаллаларга бўлинган. Бўш жойлардан ҳар ним унумли фойдаланишга, уни ободонлаштиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда йўл чекларига турли мевали дараклар, ҳар хил кўнатлар ақиланимиз.

Лекин кўча бошига жойлашган 245-автомобильна саройи ва унга тиносиз ички чинувчи машиналар ҳайдовчиларнинг пала-партшаллиги охиёбатда не умидда кўкартаётган даракларимизга шикоят этиб ўзлаштирилган ерларимиз пайҳон бўлмоқда.

Ваъзани кўчада турна ҳаёт тикланиб турган машиналар карноидан юришга жой тополмайми. Эрталаб-кечкурулар уларнинг ҳаракатидан ҳаётлирилиб болаларимизнинг мактаб ва боғчага ўзимиз обориб, олиб келамиз.

Дам олиш кунлари кўчада кичикноғларимиз ўйнашига мутлақо шароит йўқ. Ахир бу ҳол қачонгача давом этади?

Янгибод даҳхон аҳолиси номидан: ХАЛИЛОВА.

\* ...танқид қилади

НАТИЖА ЧИҚМАЯПТИ

МЕН Улуг Ватан уруши қатнашимман. Фронддан иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтдим. Ҳозир бутунлай юртимда, уйда ўтириб қолганиман. Бунинг устига газета саҳифаларидаги янгиликларни ўқиб бораё десаим, топикимиз. На илоқ, қаринчилигимиз. Шунинг учун кўпроқ шаҳар янгиликлар ва ахборотларини радио эълони орқали тинглаймиз.

Мана иккинчи ой бўлдики, бу қўлайлидан ҳам мажрм бўлдики. Радиоарнайимиз галати хунар чиқариб қолди. Ваъзани мутлақ гапирмайди. Ваъзан эса товуши пассив ёқрилиб қолди. Бу ҳусусда бир неча бор шаҳар телефон алоқалари ва радиоплаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат қилдик. Лекин шу вақтгача натижа чиқмапти. Тўғри, улар илҳомга ҳар саёр бораганимизда «Механик эртага боради» деб бизни тасвир билан жуғатинидади. Лекин механикдан эса ҳафта ўтса ҳамки дароқ бўлмайди.

Маъмур ЭРАМатов, Тошкент шаҳар, Археолог кўчасининг 57-а уйда истиқомат қилувчи.



ГАЗЕТА — МУШТАРИЙ — ГАЗЕТА



АБДУЛЛА Авлоний номиндаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ўқитувчилари, меҳнат жамоаси шу дароҳда билим олиувчилар ётоқхонасининг бошлиғи Зоиржон Раҳимовни ҳурмат қилишди. Бордию у киши амалга оширган ва ошираётган юмушлар ҳусусида гап кетгудек бўлса «Маърифатда» ҳам етув, ўзи ҳам ишбилармон йигит-да», дейишди.

Дарҳақиқат, Зоиржон Раҳимов ётоқхонага раҳбар бўлиб ишга ўтказилгандан сўнг анча иккунчи натижаларга эришди. Тадбиркор ва ишсевар ходим институт раҳбарлари билан бамаблашатиш кўриб, жуда қисқа вақт ичда ётоқхонани сувоқдан чиқариб, ҳар бир хонага чиройли, жозибали гулгоҳозлар ёшиштирди. Юмшоқ, ихчам ўриндиқ билар жиҳозлади. Радио тармоқлари ўтказди.

Уз ишга масъулият билан ётоқхонага Зоиржон фақат бу ишлар билан чекланиб қолмаган. Сенин кузатиб қараса, виллоятларимиздан сабоқ олиш учун бу дароҳга келган ўқитувчилар ётоқхона баъзи шарт-шароитлардан яхши қониқмайлати. Овдатланиш, ювениш, соч-соқолларни қиритиш-

лаш дегандай қўндалик ҳаёт эҳтижлари учун аёлларларга бориб анча сарсон-саргардон бўлишмоқда. Буларни кузатаётган Зоиржоннинг миёсида бир кунчи яхши фикр пайдо бўлди. Тез орада ошхона, сартарошхонага ҳам жой

\* Одами эрсан...

ОЛҚИШ ОЛГАН ЙИГИТ

акратилиб, ишлар бошлаб юборилди. Ювениш ванналари ҳам ўрнатилди. Ётоқхона атрофини ҳар хил қўндалардан тозалатиб, қўндалар-зорлаштирди. Ҳар хил мевали дароҳ қўчатлари, гуллар ўтказди. Яқинда биз шу институтда бўлиб у киши билан суҳбатлашмишамуясар бўлдик.

— Ётоқхонага амалга оширилган ишларда фақат мевани улудшм бор, десам янгилишган бўлмаган — деди Зоиржон. — Бу ютуқларга эришимизда бизга яқиндан ёрддам берган шу институтнинг ректори, ректор ёрдамчиси ва ўқитувчилардан миннатдоримиз. Институтимиздаги барча раҳбар, ўқитувчи ва ишчи-хизматчиларнинг фикри республикамизнинг турли жойларидан бу ерга ташриф буюрган ўқитувчиларга юқори савияли билим бериш ва уларнинг ўқиш ва дам олишлари учун қўлай шароитлар яратиб беришга қаратилган. Ана шу боисдан ҳам айни кунларда ётоқхона ишчи-хизматчиларидан Махмуд Холмиров, Шаҳрабон Қўшмуродова, Раъно Чуданова, Маъфират Жалилова ҳамда Назира Зияевлар ётоқхона ичариси ва ташқирисини шином, озода сақлаш, тозалатиб қўндаларга риоа этиш, қўндалар-зорлаштириш ишлари билан машғул, деб жавоб берди.

Зоиржон Раҳимовнинг сўзлари нечоғлиқ ҳақиқатга яқинлигини ётоқхонага яшаётган ўқитувчиларнинг сўзларидан, кайфиятларидан ҳам сезиб, анча хурсанд бўлдик.

Абдураҳмон ПАРДАЕВ.

ШАНБА кунчи ишламаймиз. Яхши ҳам шу дам олиш кунлари бор. Мириқиб дам оласан, уй юмушларини ҳам бақарасан. Овозинг мурватини бураб, қўй-қўшиқ сеҳрига берилиб, кунинг унумли ўтади.

Эрталаб туриб, овозинг кулогини бурадим. Сеҳрли кутидан муъжиза каниф этиб бир куй тараларди. Қалбнинг туб-тубидан отилиб чиқаётган бу маҳзун куй сўзлари мента оққапар яқин эди.

Кеча келгудир дебон, ул сарин гулур келмади, Қўларимга неча тонг откунча ўйку келмади.

Ҳар бир қўшиқ аввало шеърдир. Шеърин ҳамма ҳам ўйивермайди. Агар шу шеър мис оҳанглари солиниб маромига етказилиб ижро этилса, бу фақатгина ижрочининг ютуғи эмас, балки уни тинглаган инсонларнинг маънавийт бўлогини кўз очтишга ҳам қўшладиган улкан хиссасидир.

Юқориди иккин байти келтирилган ғазал шеърят шимиз мумкин. Қўшиқ ижрочиси — истетод соҳибаси, эл назарига тушган хонанда Муножат Йўлчиева эканлигини ҳам ҳамма билмади. Муножат Йўлчиева ҳали ёш, у эстрада жанрида ҳам баракали ижод қилишни мумкин эди. Лекин у йўлчиларини, шу билан

бирга узоқ умр кўрадиганини ташлади. Ва бу йўлда мактаб яратди.

Ул париваш ҳажридинки, йингладим девонавор,

\* Кўннинг кенгашига

ДИЛТОРТАР ҚЎШИҚЛАР ИЛИНЖИ

Кимса борумки, он кўраганда кутку келмади. У шундоқина қуйлаб юлмайдди. У ёниб қуйлайди. У қуйлаганда вуқудинда боғини ҳислар уйғонади. Юраклар сел бўлиб оқади. Шуларни ёзиман-у, ҳар қадамда учрайдиган «овоз Эзис» студияси томонидан вананглатиб қўйилган «оҳ-

воҳ»лардан иборат бўлган қўшиқлар ҳозирга ҳаётимизга ҳам турғи келмаслигини ўйлаб қолдим. Қўнгал дилтортар қуй-қўшиқлар илжинида. Яна неғадир ўша ердан мақомнинг оромбахш сеҳри таралмаётганлигини ўйладим. Нима бу? Ёшларимизнинг миллий санъат асарига бефарқлигимиз ёни дилин «ўта баланд-лигимиз»?

Ҳар не бўлганда ҳам биз мақом йўлидан бораётган ёшларимизни қўлаб-қувватламоғимиз, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отанйезов, Берт Давидова каби буюк мактаб ағаларининг давомчиси эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Келажак авлодга эса унинг қудратли кучини етказишимиз керак.

Тўзимсиз хаёлларимизни яна мунгли, маҳзун нолалар бўлиб юборди.

Толдир содиқ топикимиз, Юкса ким қўйди қадим йўлганим, аввал қадим маъшуқа ўтру келмади. Маъшудаси ЮСУПОВА.



Яқинда «Тошшаҳарюктранс» корхонасининг фаолият кўрсатганига 30 йил тўлди. Айни пайтда корхонада режаларнинг бажарилишида қарийб 25 йилдан бери ҳайдовчи бўлиб меҳнат қилмаётган Дилбар Гафурованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Чунки у шу йиллар мобайнида ҳаракат хавфсизлигига риоа қилган ҳолда, нуқсонсиз ишлади. Бу самарали меҳнати учун у маъмурият томонидан муносиб тақдирланди. Айни пайтда у «Автотранспортчилар фахрийси» унвонига сазовор бўлганлардан.

Яқинда «Тошшаҳарюктранс» корхонасининг фаолият кўрсатганига 30 йил тўлди. Айни пайтда корхонада режаларнинг бажарилишида қарийб 25 йилдан бери ҳайдовчи бўлиб меҳнат қилмаётган Дилбар Гафурованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Чунки у шу йиллар мобайнида ҳаракат хавфсизлигига риоа қилган ҳолда, нуқсонсиз ишлади. Бу самарали меҳнати учун у маъмурият томонидан муносиб тақдирланди. Айни пайтда у «Автотранспортчилар фахрийси» унвонига сазовор бўлганлардан.

В. Крилов сурати.

\* Таҷрибакор минбари

ҲОСИЛДОРЛИК НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

яққол сезилади. Пойтахтимизнинг аҳоли аич жойлашган Ҳудудларида, шунингдек нотекис жойлардаги томорқаларда эканнинг «нафас олиши» учун шароит тўлиқ етарли эмас, деб уйдлайман. Бундан ташқари транспорт қатнов катта. Ҳавога кўтарилаётган захарли газлар маълум даражада ўсимликнинг гурираб ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

— Шундай экан, шаҳар хонадонларидаги томорқалардан мўл ҳосил олиш учун нималарга эътиборини қаратиш зарур?

— Ерга кўпроқ ишлов бериш талаб этилади. Аввало экилаётган кўчатлар расад қилинган, бўлиқ бўлишига эришиш лозим. Ер албатта маҳаллий ўғит билан озик-

бўлишини унутмаслик зарур. Шундай қилинганда ўғит ҳосилга таъсир кўрсатади.


— Ваъз деҳқонлар пёз атрофида ўсиб чиққан бегона ўтларни тозалаш мақсадида керосин сепилмади, деб айтиди. Агар шу тўғри бўлса ҳосилнинг тақдирини нима бўлади?

— Керосинни пёз эмас, кечин сабога қўллашмаётигани билмаман. Мен бундай усулда бегона ўтларга қарши кураш воситасига қаршиман. Сабаби, ҳосилда керосиннинг ҳиди сезиларли даражада қолади. Яхшиси, эришми бегона ўтларни юлиб чиққан маъқул. Бунинг учун асло эришмаслик керак.

— Маъруфжон, сўзга савоб: бу йилги об-ҳавонинг сервизи келиши томорқаларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг салмоғига таъсир кўрсатадими?

— Албатта. Айниқса шаҳар шароитида барча хонадон эгалари ҳам эканлигини оқар сув билан сугорини имкониятига эга эмаслар. Ёмғир сувлари эса таяёр об-ҳавога таянган бўлади.

— Тўғри, селитрага обдон тўйинган сабабот, полиз маҳсулотлари кишининг организмига зарарли. Шу боис кўнчилик таҷрибакор деҳқонлар қатори мен ҳам бу ўғитдан кўп фойдаланишга қаршиман. Бундай қилинганда ҳосил бўлиқ бўлган билан инсон ҳаёти, соғлигини ўйламас эканимиз, катта ҳато қилган бўламиз. Лекин экин ёшилганда, меърида беришган селитра ўсимликнинг яхши ривожланишига омил



Ҳамма ерда бўлгани каби Тошкент локомотив депосининг ҳам ўз илҳом келатиш бор. Булардан бири корхонада 1958 йилдан бери ишлаб келмаётган Виктор Егоровдир. Айни пайтда у ўз тошхирларини ошириб бажариш билан бир қаторда, маҳсулот сифатига асосий эътиборни қаратмоқда.

\* Шаҳар транспортни муаммолари

БЕКАТЛАРДА СОАТЛАБ КУТАМИЗ

ГУЗАЛ шаҳримизга ҳар кунчи республикамизнинг турли бурчақларидан минглаб кишилар келиб кетади. Хўш, улар сафар давомида транспорт масаласида қийналиб қолишмайлатми? Йўловчилар ҳамшира гавжум бўладиган жойларга транспорт воситалари тўғри тақсимлангани? Афсуски, йўқ.

Маълумки, Шимолий ва Жанубий вокзаллар ҳамда аэропорт орқали Сергели туманига борадиган 40-йўналишдаги автобус бор. Ана шу йўналишдаги транспортлардан қўнчилиқ норозӣ десам, муволага бўлмас. Чунки бу автобуслар эрталабдан ажаботвор юриб туради-да, соат 12.00 ларда ойнасида «тушлик» деган қозони қистириб, аллақерларга қойиб бўлади. Кейин шу автобус қатнайдиган бекатларда, айниқса, Шимолий ва Жанубий, шохбеатларда оқалмай йиғилиб қолади. Нимага деганда шу йўналишда қатнайдиган бошқа транспорт воситаси йўқ. Тўғри, ҳайдовчилар тушлик қилмаганда деб эътироз билдиришлари мумкин. Лекин ҳамма ҳайдовчилар бирдангина тушлик қилишмас керак. Ундай кейин йўналиш тартиби деган гап бор.

Аэропорт ва Шимолий вокзалдан Сергели борадиган 99, 66-йўналишларда ҳам аҳвол худди шундай. Шунинг учун Жанубий вокзалга келган маҳсулотлар ўша жойларга бориш учун соатлаб машина кўншига мажбур бўлмоқда. 12-автомобил мутасаддилари бу ҳусусда ўйлаб қўришса ёмон бўлмасди.

Шоқир САФОВЕВ.

ИНСОФГА КЕЛИШАДИМИ?

МАРКАЗИЙ хўбондан Қўйлиқ 1-даҳасига қатновчи 52-йўналишдаги автобус ҳайдовчиларига қачон инсоф беради билмадим. Ҳайдовчилар ўз билганича иш тутиб, йўловчиларни яна ўйлашмайди.

Шу ўринда даҳадаги диспетчларнинг бундай ўзиб-ларчиликка йўл очиб берганликларини қўриб ҳайрон қоласан киши. Наҳотки, улар ҳайдовчилардан маффақдор бўлса?

Қўйлиқ 1-даҳасида яшовчи аҳоли эса қачон автобуслар ўз вақтида қатна экан, деб автобус билан бирга тартиб ўрнатилишини ҳам кўнги янаштинлар. Шу даҳада яшовчилар номадан:

Комил УЛУГОВ, Эргаш ТЕМИРОВ.

\* Текширувда аниқланди

БОЛАЛАР РИЗҚИНИ ҚИЙИШДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ?

БАЪЗАН ҳаёт ва санъат бир-бири билан ҳамбарчас боғланиб кетади. Илф ва Петровнинг адабий қаҳрамони Сашхон «Единиздади» «Старособесининг иккинчи уйи хўжалик мўдирин уятчангига ўғри эди. У бутун борлиги билан ўғирликка қарши эди-ю бироқ ўғирлик қилмас туролмасди. У ўғирлик қиларди ва уларди. У доим ўғирлик қиларди, доимо уларди ва шу боисдан ҳам унинг сип-силлиқ яноқлари қажон, уят, хикоятдан қип-қизил бўлиб ёниб турарди.

Менинг мақоламнинг қаҳрамонлари эса аллақачон уятни йиғиштириб қўйишган. Улар илҳори қандай ташмалаган бўлсалар, ҳозир ҳам худди шундай ташмалаб ётишдибди. Энг ачинарлиси шунки, улар кишининг наҳсибасини ташмалашалтиб донг. Биз билан сизнинг болаларимизнинг, кечига мактаб ва болалар боғчаларида бўладиган фарзандларимизнинг наҳсибасини ейишлпти. Шифохонларда ётиб доволанаётган болаларнинг ҳам наҳсибасини тура қилишлпти.

Шу йилнинг февраль ойида пойтахтимиз Ички ишлар бош боғчасининг социални бошқариш томонидан мактаблар, болалар боғчалари ва шифохонларда қатор текширишлар ўтказилди. Текшириш натижасида шу нарса маълум бўлдики, юқориди синаб ўнгилган муассасалар ходимларидан 27 нафар «эки-овқат маҳсулотларини ташиб кетишлптаганда кўлга тушишди.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг 17 февралда Собир Раҳимов туманидаги 472-болалар боғчасида Нодира Мирзахмедова текширувчиларга дуч келди. У киши лўғри сўзини олиб кетилган эди. Сергели туманидаги 166-боғча ҳамшираси Елена Васильевна Кузнецова ўз вақтинча кўра оқатлар сифатини текширишни керак. Бироқ у ўз буринини янада ченгайтириб, унга сўт олиб кетмоқчи бўлди. Чилонзор туманидаги 561-боғча оғборхона мудир Олга Антольевна Жакупова, иш юртутчи Надия Қомовна Комиллар эса қатик олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилишлптаганда кўлга тушиб қолди.

Баъзан «Улар бор-йўн сўт ва қатик олиб кетишлптаган экан. Бу катта йўқотти эмас-ку, дейишлари мумкин. Хўш, нима учун улар бу нарсаларни олиб кетишлари керак! Улар ҳар бир бола жон бошига микдор бўйича белгиланган-ку. Агар улар бунди олиб кетишлптаган бўлсалар, демек кишинингдир бегуноҳ фарзандининг наҳсибасини қийишган бўлишлпти!»

Шу йил 15 февраль куни А. Икромов туманидаги 386-болалар боғчасининг кўр ювувчиси Гулморид Бариева ҳам озик-оқатларни олиб чиқиб кетилганда текширувчилар назаридан қочиб кутула олмади. Худди ана шу кунини Мирзо Уллубек туманидаги 15-шифохона ошпази Наталья Игнавова, Ранса Гараева билан биргаликда ошхонадан қартошка, сузма, сўт, озик-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетишлптаганда текширувчилар томонидан тўхтатилади.

Бугунги кунда икитисодийдаги қийинчиликлар, оиладаги етишловчиликлар бундай «усул» билан қоплаш керак эмас. Шу йил боисдан бундай халқ ташлим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида 87 нафар киши майда ўғирлик билан қўлга тушди. Уларнинг қўлидан озик-овқат ва бошқа моддий бойликлар тортиб олинди.

Радиқ СОЛИЕВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасини маъбул шўбасининг ходими.



# «ОНА ВАТАНГА СОДИҚМИЗ»

\* Юрт ҳимояси — муқаддас бурч

ВАТАН ҳимояси — ҳар бир фуқароннинг муқаддас бурчидир. Ушбу иборанинг замирида нақадар турмуш ва ҳаётнинг сир эмас. Винобарин армия сафларида хизмат қилиб, ота-онаси, ёру биродарлари, ватандошлари тинчлигини қўриқлаш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи бўлмоғи шарт.

Куня кеча шахримиздаги ўқитувчилар уйи биносида «Биз мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳимояси» муаввизи мазмунини таълим қилишга бағишланди.

Алжумаяни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жура Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

Сўнгра сўзга чиққан республика ўқитувчилари уйи директори, тарих фанлари доктори Қ. Фозилхўжаев «Ватан тўғриси — она юртва муқаддасдан бошланади» мазмунини таълим қилди.

Уруш қаҳрамонлари Б. Эргашев, С. Умаровлар ўзларининг жанговар хотиралари билан ўртоқлашган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси мудофая вазирилик ташкилий сафарбарлик бош-

қармаси бўлими мудири, коллөвник Х. Абдуразақов, Тошкент гарнизони ҳарбий қисми вакили, сержант Ш. Асқаровлар қаҳриқ ёшдаги ёшлари ҳарбий хизматга тайёрлаш борасидаги ютуқ ва муаммолар, режалар, Ватаннинг муносиб ўғлонларини тарбиялашда армиянинг тузатма аҳамияти ҳусусида батафсил тўхталиб ўтилди.

148-мактабнинг ҳарбий таълим раҳбари М. Ниезов эса Ватан ҳимоячилигини тайёрлашда бошланғич ҳарбий таълимнинг роли катталиги, бунинг учун ушбу фағна эътиборини яна ҳам кўзайтириш лозимлиги ҳақида гапирди.

Анжуманда шаҳарнинг барча туманларидан танлов эгитилиш 10-11-синф ўқувчилари, Тошкент, Чирчиқдаги ҳарбий билим юрти тарбияланувчилари ҳам иштирок этдилар.

Маргузалар орасида Ватан, тинчлик, ёшлик ҳақидаги куй ва қўшиқлар янради.

Шариф ЗАРИПОВ.

### ЖОНАЖОН билим юртимиз шон-шўҳратини оширади

Биз Ватанимизни ҳимоя қилиш учун ўқиймиз!

Тошкент олий умумқўшим қўрашчилари билим юрти курсантларининг буғунги шiori ана шундай. Билим юрти сифатларида, ўқитқонларидан, машқ майдонларидан йиллар ҳарбий билим сирларини ағдлаш, жисмонан чинишиш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Соёни Иттифок даврида Қўролли Қўчаларнинг зийда асарлар қўшимчилирига соёит-мутахассислар тайёрлаган бу билим маскани тарихи соёиқ Иттифок тарихи билан, республикамиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Унинг бар-рида таълим олган соёиқ курсантлар ҳарбий хизмат намунасини кўрсатганлар.

Ватан уруши йилларида бу билим юртини 8 миғта яқин соёит битириб чиқди. Улар уша оловли йилларда эур мардлик ва жасорат кўрсатиб, Ватан урушининг қаҳрамонлик йилмасида ўчмас саҳифалар битдилар. Бир сўз билан айтганда бу даргоҳ ҳавас қилса арзиғулик катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, ўз жанговар анъаналарига эга, мустақил Ўзбекистон Республикасини ўз миллати армиясини — Қўролли Қўчаларини ташкил этаётган буғунги кунда миллий ҳарбий мутахассислар



# ВОРИСЛАР

тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам ўтган йили мактабга асосан туб аҳоли фарзандлари қабул қилинди. Биринчи курс курсантлар батальони командири, полковник Ботир Саҳабидиновч Раҳимирзаевнинг машқ майдонидан, курсантлар билан машғул ўтказаятганда уррад-дик.

— Республикамиз мустақилликка эришгач шу билим юртга келиб ишлаш бошладим — деди Ботир ака.

— Ҳозирги кунда бу ерда асосан ўзбек миллатига мансуб ёшлар таълим олаётгани кувончи. Бу даргоҳ мен

Улар ҳарбий қисмларда вазод командири бўлиб ишляди. Уш қўл остидагиларга гаалабага эришиш сирларини ўргатилади. Ана шу шарофли касобини таллаган йигитларнинг орзу-умидлари, ўз оидларига қўйган мақсадларини билишга қизикди.


— Республика маҳсус мактаб-интернати Ботирга, шу ерга кириб ўқишга ахд қилдим, — деди Раҳимирзаев. Раҳимирзаев Отам Рихсиетилла Раҳимирзаев ҳарбий хизматчи. Улар ҳам шу ерда ўқитқонлар, қариношларининг кўли ҳарбий хизматчи. Мен ҳам улар таълимга халқимиз оёвийталиги йўлида ҳалол хизмат қилиш меннинг орзу ордуним.

Сўзбатга 1-курс курсант Улугбек Раҳимов қўшилди.

— Бу ерда кўлаб дўстлар ортирадим. Вухорлик Намшид Сатторов билан дўстлашганимдан қувонаман. Намшид рус тилидан бироз қийналяпти. Мен унга шу фандан ёрдам беришман. Ҳозирча дарслар рус тилида ўтиляпти. Она тилида ўқиганимизда яхши бўларди. Ҳарбий билим ва жанговар техникани пухта ўзлаштиришимизга катта ёрдам берад эди.

Дўстларимдан Артур Бермаевга ўзбек тилини ўрганишда ёрдам беришман. Унда рус тилидан тушунамданларини сўрайман. Биз дам олши соатларини ҳам бирга ўтказамиз.

Курсантлар Истиқболмиз ағдари бўлган ёшлар. Кўна, алмо навирион Ўзбекистон посбонлари. Улар билан сўхбатлашар ақасиз, фарзандларимизда жонлоқ билим юртининг шонли анъаналарига салдат, она Ватанга чексиз муҳаббат туйғуларни шакллантаётганидан қувонаман, республикамиз мустақиллиги, унинг халф-сиясатини учун масъуляит ҳислари шакллантаётганидан, келажакка, истиқлолга катта умид ва шонли билан боқаятганликларидан қалбимизга кувончга тўлади.



Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

● СУРАТЛАРДА: ҳарбий билим юрти курсантлари ҳаётини лавҳалар.

Фахриддин Умурақов суратлари.

## Мажолсиз қад

УРТАДАН тутилган гов-шоҳ қўшиларнинг томондари учун чегара вазифини ўтardi. Шу ерда ўриқ даянагдан униб чиққан ниҳолнинг бўйи шокдан ошди. То ҳосилга янгуна қўшилар «Сенин-менин»га бормай «Ҳосил қилса икки томонга ҳам етиб ортади», дея бир-бирларига илтифот этишарди.

Вақти келиб, ўрик икки эғам ҳам оқибатли, сажий экан, ниятларини оқлай, деб гуял-гуял мевадан шохларини эғди-ю, қўшиларнинг дил тубида янгуна қизғанчиқлик хислати юзга чиқди.

— Хо-о, ўрик бизнинг томондан унган, ҳосилнинг қўши бизники, — деди биринчи қўши.

— Шохиниғ қўши буюғда эғлган! — ёвқаради қилди иккинчи қўши.

Талаш-талаш ўриқнинг артрақ баракасини узириди. Келуси йили ўрик сиқон қулдоқдек аранг барг чиқарди. Ҳосил ҳам баракасиз. Мевасининг

## Ёмонни қўлласа...

ТОҶ тағидан униб чиққан зарпечак ўзи қилдек бўлсам тоғка чиқолмай аламзада.

— Сен орқали унга чирмашман. Ён бер, — деди ўтга.

— Бемалол, — унга мададкор бўлди ўт.

Зарпечак тоғдаги шўрани илондек ўраб қирмади. Унга кўзи тушган боёон тирноқ билан аранг тозалаб, ҳосил тушишга йўл очди. Пастдаги ўти кўриб қасбланди.

— Зарпечакнинг-ку, доим ниёти ёмон. Уни қўллаган сенин қилмишиг эса уникидан баттардир, — дея ўти чопиб ташлади.

Ким ёмонга йўл берса жазосиз қолмайди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ, БОРБОН.

БОТИР Зокиров яхшигина тарихчи олим, истеъдодли рассом, инсон руҳияти тадқиқотчиси бўлиб етишиши мумкин эди. Бунинг учун унда иқомият ҳам, шароит ҳам, иқтидор ҳам етарли эди. Лекин у отасининг, акаларининг йўлидан борини эғзал кўрди.

«Нега! Урта Осиёда биринчи бўлиб ил-лий ишнини бокс бўйича қилган, икки йил давомида Сурия тарма жамоасига мураббийлик қилиб уни Арабистон ўйинларининг финал босқиниғача (бу мазкур давлат бокс тарихидаги биринчи йирки галаба бўлган) олиб чиқшга муваффақ бўлган отаси Шоир ақаминг «пено-ида» тинчгина шон-шўҳрат поғоналаридан кўтарилиб бормоқчи бўлдим!»

Балки ўзбек спортининг эркин наю-андалардан бири, Ўзбекистон тарма жамоасининг бош мураббийси, юртимизда профессионал бокс пойдеворини қўйяётганларнинг олдинги савфарида бо-раётган, мухлислар орасида Олимпиади номи билан машҳур ақасининг «беғараз кўмағига умид боғлаб таллагандир бу йўлни»

Сўнгра сўхбатлашиб ўтирган хонамизнинг деворига илтиб қўйилган, республика, соёиқ Иттифокда бокс бўйича ўтказилган нуфузли мусобақаларда қўлга кийрилган сон-саноксиз медалларни кўриб уларнинг ҳар бири ортида машаққатли меҳнат, галаба наҳидисини мағлу-биятининг ақил алампаридан суя ичган ёш умр йиллари ётанини ҳис этгайди бўлдим, рўпаранда машҳур спортчи отаси ва акаларининг шунанга давомчиси эмас, уларнинг наслхати, ўғатирига таянган холда белгилаган мақсадлари сари интиляётган инсонни кўрдиму очиги, ҳаёлимга келган фикрлардан уялиб кетдим.

## \* Сенин жонқуярларини, спорт «БИЛЛУР»ДАГИ БОТИР

Йўқ — дея ўзининг фикрлариниғ қарши чиқдим. Бошқа соҳада балки теши-билиш, қаринош-уруғлар ёрдамида иннагадир (катто кўп нарсалар) эришиш мумкинлиги, лекин спортда ҳеч қачон, Чунки сенин рингдасини, юғурни йўлгадасини, барча ерда минглаб мухлислар, ўнлаб мутахассислар диққат билан кузатиб туришди. Дастлабки қадамларингдан оқ сенин иим ва нимага қодирлигинг ҳақида аниқ ҳулоса чиқариб олишарди.

Спорт — иродаси суст, бирөөләр соёиқ беркиндагилар учун яратилмаган, у йиллар давомида мунтазам равишда тер тўкиш, умрининг энг гуллаган чоғларини кўнгулхушликлардан воз кечиб ўйингоҳлар, спорт залларида ўтказиш, ҳуллас, ананин машаққатлар эвазига фақат олға интилядиган, шу оруз билан андагид, қанбада олов порлаган мардлар матлебидир. Ботир ҳам ана шундайлардан бири.

У бокс қўлоқини кейиб дастлабки жангига чиққан кундан бошлаб кўпчилигининг назарига тушди. Мутахассислар, мураббийлар келгусида ундан кучли боксчи этишиб чиқшини эътироф эта бошладилар. Унинг галабалари сони, тақлиф этиляётган мусобақалар кўлами кенга борди. Отанин кувончи чексиз, акалар мамун, она беоранин эса кўнгли нотинч, хавотирда. Ахир у ҳам нима қилсин, тўрт фарзанд кўрсая, тўрталаси ҳам оталеридек боксчи бўлиб етишсин, бу ҳам майлику-я, ҳам-маси қачон қарасан савфарда, ҳеч бўлма-са шу кенжаси — Ботирим йинида бўлар-микни дөганди-де.

Эх, онақонлар, сизларнинг қўнглинғиз доимо барча ҳодисаларни олдиндан се-зади. Фарзандиниғ баданига кирган зир-панчаниғ азоби сизгада орғиқ бағишляйди, қўнглинғиз ости кўкариб келган кўчордек ўғининиғ кўрб, юрагиниғ тезовиниғизга туғиндай бўлади. Ботир-жонинг ақолидан кўчтарамаси. Мақсуда ола! Ҳаётини фарзандлари камолига бағишляётган ўзбек ағли! Барча келажак порлоқ дея эътироф этаётган ўғиниғзининг муваффақиятларидан ич-ичингиздан қувонсангизда, унинг саломатлиғидан хавотирда эдингиз. Унга кўз тегиб қол-шидан қўрқинғиз. Орзуларни рўйга чиқ-май қолшидан бўчординиғиз. Қўнглинғиз ағдламади. Овдандан ўт қақнаган йангига кўз теғди. Каттик кўз теғди...

— Тизамдан олган жароҳатим, сенин қўлим, — дея хомуш сўз бошлади Ботир, — катта спортдан кетишга мажбур қилди. Алам қилди, тўғрисин. Лекин мен оёсонига таслим бўлишга ўрганмаганман. Спортсиз менга ҳаётнинг ҳеч бир изиғи йўқ эди, фақат жароҳат туйғайли фаоли-тин йўналишини ўзғартиришга қарор қил-дим.

Кўмак сўраб Яқасарой тумани спорт комитетига мурожаат қилдим. Улар менга умумтаълим мактабларида пуллик тўғараклар очишга руҳсат бердилар. Бугунга келиб эса уша тўғараклар улкан, қўдратли, «биллур» дея номланувчи спорт клубига қадар ўсиб етди.

Ботир ва унинг дўстлари ўрта мактаблардан бирининг ташландиқ спорт залини таъмирдан чиқардилар, нуроб кетган деворларни тиклаб, ювиниш хоналари қур-дилар, туман спорт комитети (райси Зоҳид Ақромов) ва «Ўзбекистон» кўжалик ассоциацияси (директори Зокир Абдуллаев)нинг қўнандан кўрсатган ёрдамлари натижасида жиҳозлаб ҳам олдилар. Келажакни ўйлаб шу ишлар оралғидада уч-виш, умидли спортчи-мураббийлар — Рустам Зокиров, Саҳодир Утанаев, Пулат Агламовларни Санкт-Петербург шаҳрига тақрибга ортириган собордиёвар. Бора-бора бу ерда шуғулланяётган спортчилар турли мусобақаларда кенашиб дастлабки ютуқларини қўлга кийриб бошладилар.

1991 йили «Биллур» вакиллари йиллар ўртасида ўтказилган СССР чемпионатида катнашиб учта медал билан қайтдилар. МДҲ чемпионатида ҳам икки спортчи соварини ўринларини эғдладилар. Ботир Зокиров эса «Биллур» спорт клубининг директори этиб тайинланди. Мурод Маннонов, Раҳшон Узоқов, Жаҳонгир Шамсиев, Қарамон Олимов каби ёш спортчилар «Биллур»нинг эртанги шони, эртанги умиди, шўҳратидир.

У амалга оширмоқчи бўляётган ишлари ҳусусида ёхуд муваффақиятини ўтган тад-бирлари ҳақида гапирганда кўзларидиғи қатъият анчада кучаяди.

— Биласизми, — дейди у, — биз (у қандам-кам ҳолларда «мен» дейди) спорт клубимизни маҳалла спорт ва маданият марказига айлантирмоқчимиз. Кўчаде берордан берорга сандирақлаб юрган болаларни курсам улгарга, очиги, ачинаман. Балки у жаҳон чемпиони бўлишга қодир, лекин қаерда шуғулланяшини, кимга мурожаат қилишни билмай юрган истеъдоддир. Ахир эртага вақт ўтади, кеч бўлади. Шунинг учун ҳам биз клубга кўпроқ тарбия-га муҳтож болаларни тортайлишим. Бундан ташқари агар шуғулланяшини истаган болалар мане шу маҳаллада яшаш тўғрисида тўрт энлиқ қогоз келтириб берса, тўлайдиган ойлик бадали миқдорини икки баравар камайтираимиз.

Агар ниятим амалга ошиб, шундай бў-лишга ишончини қомил, маҳалла спорт ва маданият маркази очолса, клубимиз ҳолисига стол тенниси, дарст ўйинларини тақлиф этишим, доривор гийхлар созувици футболор очиб истагимиз ҳам йўқ эмас...

Бундан ташқари Ботир айни лойида спорт клуби залида атлетизм, кикбоксинг, бокс тўғараклари фаолият кўрсатаётгани, лекин «буна катта бир режасини борлиги, у ҳам бўлса хаста болаларини даво-лашда жисмоний тарбия ва спортни кенг қўллаш, бунинг учун шифокор-мутахассисларни тақлиф этимоқчилигини гапириб қолди.

— Қиландиган ишлар жулда кўп, ақшияки оиламдагилар менн тушунишди. Қўлаб-қувватлашарди, лозим бўлса барчаларни шу ерга келиб ёрдам беришарди. Бунинг учун улардан жулда миннатдорман. Акаларимдан бири Одишпир эса доимо мен билан. Клубимизда ишляйдилар. Уларнинг таянчини доимо ҳис этиб тураман.

— Исиниғ машҳур қўшиқчимиз шөре-фиға қўйилганми! — сўрадим.

У хомуш торди. Кейин билсам, унга бу исмини истеъдодли боксчи, спорт устаси, афсуски, орзулари бўғизда қолган, мангу армон бўлиб кетган, марҳум ақаси Алишер қўйган экан. Ботир Зокировнинг қўшиқларини жулда севар экан раҳматли. Бу исм унга ақасидан қолган табарруни ёддорликдир. Ярасини тираними қолмади, иим қолди. Бу мазгуда бошқа қайтма-ди.

У хали ўттизга ҳам кирмаган. Оилали, Гўзал турмуш ўртоғи билан ширин-шакар икки фарзанд — 3 йили Бахтиёрдон ва 5 йаш Дилнозахонларни тарбиялашмоқда.

— Фарзандларим, — дейди у, — балки бутунлай бошқа касбининг бошини ту-тарлар, лекин спорт доим улгарга ҳамроҳ бўлишга ишончини қомил.

«Биллур» спорт клубидан қайтар экан-ман ҳаёлимдан шундай фикрлар ўтди. Токи юртимизда ўз манфатиин эмас, фар-зандлариниғ келажакини, уларнинг сало-матлигини ўйлаб меҳнат қилаётган Ботир-дек инсонлар бор экан, мустақил Ўзбекистонимизнинг ўғлонларини мард, орятли, номусли бўлиб етишишини мўқарар.

Шундай фарзандиниғ билан фарзанд-сангиз арзийди, Шокир ака ва Мақсуда ола.

Шўҳрат АРМОН.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!  
«Тошкент оқшоми» газетасининг навабтадаги сонини 20 майда чиқадим.

Муҳаррир  
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиғи

П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТИББИЕТ ВИЛИМ ЮРТИ

1993—94 ўқув йилига

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Билим юрти қўйидаги соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

ХАМШИРАЛИК ИШИ (тиббий ҳамшира ихтисоси). Ўқини мuddати 1 йилу 10 ой;  
ДАВОЛАШ ИШИ (фельдшер ихтисоси). Ўқини мuddати 2 йилу 6 ой.  
ХУЖЖАТЛАР 1 ИЮНДАН 15 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
Кирини имтиҳонлари 1 августдан бошланади. ОНА ТИЛИ (ёзма) ва БИОЛОГИЯ (оғзаки) дан имтиҳон топширилади.  
РЕЧКИ БЎЛИМГА «тиббиёт ҳамшираси» мутахассислиги бўйича, ўрта мактабни битирган ва тиббиёт муассасаларида ишловчилар қабул қилинади.

ХУЖЖАТЛАР 18 МАЙДАН 15 СЕНТЯВРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
Кирини имтиҳонлари 10 июндан бошланади. ОНА ТИЛИ (ёзма) ва биология (оғзаки) дан имтиҳон топширилади.  
Манзилгоҳимиз: 700064, Тошкент шаҳри, Боровский кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 5, 13, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи» бекати).

7-ХУНАР-ТЕХНИКА ВИЛИМ ЮРТИ

8—9-синф маълумотидаги ёшларни тўрдоқ касблар бўйича

**ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

— Ёруғлик ва ёритиш тармоқлари бўйича ЭЛЕКТР — МОНТАЖЧИ;  
— қўлда ёйсмон пайвандаш бўйича ЭЛЕКТР ПАИ-ВАНДЧИ;  
— Ёруғлик ва ёритиш тармоқлари бўйича ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ — АВТОЧИЛАНГАР;  
— қўлда ёйсмон пайвандаш бўйича ЭЛЕКТР ПАИ-ВАНДЧИ — АВТОЧИЛАНГАР;  
— Ёруғлик ва ёритиш тармоқлари бўйича ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ.

Ўқини мuddати — 2 йил.  
Бир йўлда тўлиқ ўрта маълумот олишни истаганлар билим юрти қўшидаги кенчи мактабда ўқишни давом эттиришлари мумкин.  
МАШҒУЛОТЛАР СОАТ 13.00 да БОШЛАНАДИ.  
Радиоаппаратураларни таъмирлаш ва улгарга хизмат кўрсатиш бўйича механик касбини эғдалашни хоҳловчи-лар учун пулли 4 ойлик (кувдуги, кенчи, сиртқи) курс-лар ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР — 1993 ЙИЛ 1 СЕНТЯВРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юрти манзили: 700022, Тошкент шаҳри, Қўш-бег кўчаси, 8-уй (Тўқимачилик комбинати қаршисида). Телефон: 53-31-21.

**«БЕРУНИЙ» САВДО МАЖМУИ**

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛА-РИНИ

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Кенг ва қулай жиҳозланган савдо залларида Сиз янги ёз мавсуми учун зарур бўлган барча буюмларни харид қилишини ва совға таялаб олишиниғиз мумкин.

Ип газилама ва шойи матоларнинг ёрқи рангоранг нақшлари қўламини қаматилади. Янги қўйилганга жасолаб тўғилган ёки БОСОНОЖАК талланмиғиз мумкин. Болалар ҳам, катталар ҳам ТРИКОТАЖ либосларини севиб кийиладилар. «БЕРУНИЙ» савдо мажмуини ТРИКО-ТАЖДАН ТАЙЕРЛАНГАН БОЛАЛАР СВИТЕРЛАРИ-НИНГ кенг кўламини савдога қўйилган. Шунингдек, бу ер-да қилма-хил пайпоқлар, носилар ва колготкалар ҳам бор.

Агар Сизга совға харид қилиш лозим бўлса зиройин ва ўзига ҳош ЭДГОРГАЛ БУЮМЛАРИДА истаганинғиз олишиниғиз мумкин. Мабоодо қийинроқ совға ва-зир бўлса қамаланинғиз барча ранглари жиҳосини ўнда мунассам қилган ақойиб ВИЛЛУР буюмларга эғтибор қилин.

«БЕРУНИЙ» савдо мажмуи соат 9 дан 18.00 гача ишляди, тушлик таппафус — соат 13 дан 14.00 гача (7, 16-трамвайлар, 4, 8-троллейбусларнинг «Беруний» савдо мажмуи) бекати. Метронинг «Тинчлик» бекати).

«ТОШКЕНТ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ.  
«САРВО» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТ-ЛИГИ.

«ХАМКОР» ФИРМАСИ-АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

(Тошкент шаҳри марказида)

эркаklar ва хотин-қизларнинг устин кийимларини тиза-диган олий маалаки мохир чеварларини

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

45-97-23 телефон орқали соат 9 дан 18.00 гача қўн-гирок қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғининг

ТИББИЕТ ВИЛИМ ЮРТИ

1993 ЙИЛ 25 МАЙДА

**ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ**

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, Чилонзор кўчаси, 9-уй (2, 94, 34, 77, 50-авто-буслар; 6, 11-троллейбуслар; 9, 11-трамвайларнинг «Чилонзор» бекати. Метронинг «Ҳамза» бекати).

Тошкент шаҳар Шайхон-тохур тумани халқ таълими бўлимига қаршай Садылла Исмаилов номли 141-ўрта мактаб жамоаси шу мактабнинг тарих ўқитқонисини, Жумҳурият халқ таълими аълочисини, соёиқ СССР халқ таълими аълочисини Эргаш ПУЛАТОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия нэхор этиади.

Чинниҳон ИБРОҲИМОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия нэхор қилади.